

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**  
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ  
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**  
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА  
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**  
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI  
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**  
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ  
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН  
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ  
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**  
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**  
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....562
- 75.Қурбонов Э.Э.**  
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**  
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**  
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ  
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**  
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН  
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


<b>80.Холмўминов Ҳ.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
<b>81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
<b>82.Ўтанов Х.Ш.</b> XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
<b>83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.</b> ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
<b>84.Юлдошева Б.М.</b> XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
<b>85.Ғаффоров Я.Х.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
<b>86.Шайдуллаева Г.Ш.</b> БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
<b>87.Yakubova Sh.A.</b> O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юлдошева Бибиражаб Миржонова,  
Бухоро давлат университети  
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси  
bibirajab80@mail.ru

## XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

*For citation: Yuldosheva Bibirajab Mirjonovna. FROM THE HISTORY OF APPROACHES TO THE ENVIRONMENT IN THE 80S OF THE XX CENTURY (ON THE EXAMPLE OF THE BUKHARA REGION). Look to the past. 2020, SI, pp.636-642*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-84>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 80-йилларида Совет давлати ҳукмронлиги шароитида мавжуд экологик муаммолар, уларни бартараф этиш, атроф-муҳитни турли йўллар биланифлосланишини камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалаларгақандай ёндашилганлиги Бухоро вилояти мисолида очиб берилган. Шунингдек, ҳозир Ўзбекистон, жумладан Бухоро вилоятидаги мавжуд кўпгина экологик муаммоларнинг илдизи айнан советдаврига бориб тақалиши ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** атроф-муҳит муҳофазаси, Орол денгизи, Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети, Табиатни муҳофаза қилиш вилоят комитети, экологик муаммолар, экологик сиёсат, атмосфера, Бухоро вилояти, Совет иттифоқи.

Юлдошева Бибиражаб Миржонова  
Преподаватель кафедры "Всемирный истории"  
Бухарского государственного университета  
bibirajab80@mail.ru

## ИЗ ИСТОРИИ ВОПРОСОВ ПОДХОДА К ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ В 80-Х ГОДАХ XX ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОГО ВИЛОЯТА)

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается как 80-ые годы прошлого столетия в Советском союзе, относились проблемам окружающей среды, как они решались и как эти вопросы передавались на временной прессе, как они изучались на примере Бухарской области.

**Ключевые слова:** защита окружающей среды, Аральское море, Государственный комитет по экологии и охране окружающей среды, областной комитет по экологии и охраны окружающей среды, экологические проблемы, экологическая политика, атмосфера, Бухарская область, Советский союз.

**Yuldosheva Bibirajab Mirjonovna,**

The teacher of world history department of Bukhara state university, bibirajab80@mail.ru

**FROM THE HISTORY OF APPROACHES TO THE ENVIRONMENT IN THE 80S OF THE XX CENTURY (ON THE EXAMPLE OF THE BUKHARA REGION)****ABSTRACT**

It is shown in the following article, how crucial issues, like ecological problems of Soviet Union in 80s of past century, their solutions, and methods of reducing pollution of environment, were solved in terms of Bukhara region. Furthermore, it is stated in the article that majority of the ecological problems were occurred in the period of Soviet Union.

**Index Terms:** protection of environment, Aral sea, the committee of protecting the environment, the regional department of committee of protecting the environment, ecological problems, ecological policy, atmosphere, Bukhara region, Soviet Union.

Долзарблиги. Ҳар бир мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни имкон қадар камайтириш, янгиларининг келиб чиқишига йўл қўймастик, атроф-муҳит ифлосланиши оқибатларини бартараф этиш каби долзарб масалалар ташкилэтади. Ҳозирги кунда атроф-муҳит муҳофазаси ва экология билан боғлиқ муаммолар бевосита инсон саломатлигига катта хавф солмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили ифлос ҳаводан нафас олиши натижасида 7 млн.га яқин одам вафот этмоқда, ўпка-нафас йўли билан боғлиқ касалликлар сони кўпаймоқда, болаларнинг ақлий ривожланиши сусаймоқда. Жаҳон банки маълумотларига таянадиган бўлсак, атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан мамлакатлар бюджети ҳар йили жами 5 трлн. АҚШ доллари миқдорига зарар кўрмоқда. [1]

Шунинг учун ҳар бир давлат ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши, атроф-муҳитни муҳофаза қиладиган сиёсий тадбирларни амалга ошириши зарур.

Мамлакатимизда бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласида 30 га яқин қонунлар ишлаб чиқилган, шу мақсадларни ўз ичига олган халқаро ва давлат миқёсидаги дастурлар

ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу тадбирларнинг самараси сифатида экологик аҳволижобий томонга ўзгарганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларнатижасида атмосферага транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлар миқдорисезиларли даражада камайишига эришилди. Масалан, транспорт манбаларидан 2000-йилда 37,315 тонна заҳарли газ ҳавога чиқарилган бўлса, 2008-йилга келиб, бу кўрсаткич 29,377 тоннани ташкил этди. [2,203б]Бошқа бир манбага юзланадиган бўлсак, Республика бўйича атмосферага чиқарилган газ миқдори 2000 йилда 1596 минг тоннани ташкил этган ҳолда, 2018 йилга келиб 1560 минг тоннани ташкил этди. [3]

Кейинги ўн йилликларда Бухоро вилоятида атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдори 2 минг тоннага камайгани ҳолда, автотранспорт чиқиндиларининг улуши 52 фоиздан 35,4 фоизгача камайди. [4] Бунга автомобилларни суюлтирилган ва сиқилган газ ёқилғисига ўтказиш, техник назоратини кучайтириш, автомобил ишлаб чиқаришда янги замонавий технологияларни қўллаш орқали эришилди.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XX асрнинг 70-80йилларида собиқ Иттифоқ томонидан амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг ўлка табиий ресурсларига етказган зиёни, атроф-муҳит мувозанатига салбий таъсири ва жиддий экологик муаммоларни келтириб чиқариши ва охири-оқибат бугунги Бухоронинг кўплаб экомуаммоларининг замини яратилганлиги,масаланинг тарихий аспекти кўрсатилган. Бухоро вилоятининг экологик ҳолатини баҳолаш учун табиий географик, агромилиоратив ва гидромилиоратив районлаштириш (Званкова, 1960; Фуломов, 1966; Муҳаммаджонов, 1972; Назаров, 1975; Сабитова. 2002), чулларни атроф табиий муҳитга таъсири (Джабборов ва бошқалар, 2002; Аббасов, 2003), иклим узгариши ва экологик вазият (Чуб, 2003) доир тадқиқотлар олиб борилган.Бироқ бу тадқиқотларда айнан Бухоро шаҳрининг экологик ҳолатитарихий талқинда алоҳида объект сифатида ўрганилмаган.

## 3.Тадқиқот натижалари:

Экологик муаммоларни ўрганиш ва уни ҳал қилиш, атроф-муҳит ифлосланишини олдини олишбарча даврда ҳам муҳим бўлганми? Бугунги кунда республикада юзага келган кўпгина экологик муаммоларнинг илдизи бориб тақаладиган яқин тарихимизда ушбу масала қандай ечимини топган?

Совет тарихи ўзининг 70 йиллик фаолияти давомида атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ва иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологияга зарар етказмаслик, экологик муаммоларни ечиш каби масалаларни ортга суриб келди. Хўжалик юритишда барча соҳаларда экстенсив шакл устунлик қилгани боис, табиий ресурслар тўлиқ иқтисодиёт учун хизмат қилган. Ўзбекистон республикасида пахта экин майдонларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши, ҳар қандай йўл билан ҳосилдорликни оширишга ружу қўйиш, бошқарувни маъмурий-буйруқбозлик тарзида, кўр-кўрона ташкил этилиши ҳудуднинг чекка хомашё заҳира ўлкаси сифатидаги ўрнини аниқ белгилаб берганди. Бунда ишлаб чиқариш кўп ресурс истеъмол қилувчи шаклда ривожланиб борди.

Ўзбекистон пахта ҳосилдорлиги бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаган 1950-1970 йилларда пахта майдонларида кимёвий дориларнинг меъёрларга риоя

этилмай кўплаб қўлланилиши натижасида атроф-муҳитга зарарли таъсир кучайди, тупроқ хусусиятлари ёмонлашди, одамлар орасида турли касалликлар кўпайди [5,Б.289].

Бизнинг диёримизда қадимда экин экилган ерларни дарё сувлари билан суғорганлар, чунки дарёнинг лойқа суви таркибида ўсимлик ва тупроқ учун фойдали турли моддалар кўп бўлган. Булар ернинг қувватига қувват қўшган, тупроқ қатлами ҳам лойқа ҳисобига ўсиб борган. Совет даврида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида кўплаб каналлар қурилди. Энди каналлар орқали сув омборларида тиндирилган муздек сувлардан суғориш тизимида фойдаланила бошланди, бу эса тупроқнинг таркибини ўзгартириб юборганди. Ер ориқлаб, унинг фойдалилик коэффенти камая бошлади. Натижада кўпроқ минерал ўғит солинмаса, пахта ҳосилдорлиги паст бўлаверди. Шу сабабли асосий эътибор, кимё ва оғир саноатни ривожлантиришга қаратилди.

Ўзбекистон шароитида оғир саноатни ривожлантириш пахта яккаҳокимлиги кучайтириш билан ҳамоҳанг олиб борилди. 1984- йилга келиб республикада 600 минг гектар ер тезда мелиоратив ишлар олиб борилишини талаб қиладиган ҳолатга тушиб қолди. Ўзбекистонда ҳар гектар ерга ишлатилаётган минерал ўғитларнинг миқдори ўрта ҳисобда 600 кг ни ташкил этди, бу эса жаҳонда қабул қилинган нормадан 20-30 марта юқори даражада бўлди. Холбуки, бу ўғитларнинг деярли 60 фоизи аксарият ўзлаштирилмай, тупроқ саҳнида қолиб кетди ва ер таркибини бузиб юборди [6,Б.397].

Охир-оқибат,атроф-муҳит мувозанати издан чиқиб, тупроқнинг таркиби оғир ҳолатга келиб қолди. 1985-йилда Бухоро вилоятидаги суғориладиган ерларнинг 25 фоизи турли даражада шўрланган бўлса, 2010 йилда бу рақам 90 фоизга тўғри келди. Тупроқ таркиби турли минерал ўғитлар, пахтазорларни ҳашоратларга қарши дорилаш, кимё ва металлургия саноати чиқиндилари ҳисобига бузилди. Бу вақтга келиб пахта экин майдонларига сепилаётган кимёвий ўғитлар тури 80 тадан ортиб кетган эди.

1980-йилларда атроф-муҳитнинг геоэкологик ҳолати янада ёмонлашди, табиий бойликлардан нооқилона фойдаланиш оқибатлари яққол сезила бошлади. Натижада, геоэкологик муаммолар ижтимоий тус олди. Ўткир геоэкологик регионал муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ҳукумат маҳаллий маъмурият ва кенг халқ оммаси эътиборини уларга қаратишда олимлар билан бирга шоир ва ёзувчилар, айниқса, публицистлар катта фаоллик кўрсатдилар. Улар ташаббуси билан Орол фонди ташкил этилди, Орол денгизини қутқариш ижтимоий кўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ташкил топди. Бироқ Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар табиий бойликлардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари ўша давр сиёсий йўналиши талабларига мослаштирилган бўлиб, та-биатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга етарлича жавоб бермас эди. [7,Б.45]

Амударё ва Сирдарё сувлари суғориш мақсадлари учун кўп истеъмол қилина бошланган 1960 - йиллардан бошлаб Орол денгизининг майдони қисқариб келмоқда. Орол денгизида сувнинг камайиб кетишидан ташқари, қурол-яроқ синови, саноат тadbирлари, пестицидлардан фойдаланиш ва ўғитларнинг ювилиб кетиши натижасида сувнинг ифлосланиши юзага келди. Қуриган денгиз тубидан шамол кўтарган туз биланчанг яқин ва ўрта узокликдаги минтақалар қишлоқ хўжалиги ва экотизимига зарар етказмоқда, ичимлик сувини ифлослапти васаломатлик билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қуриб

бораётган Орол денгизи тубидан йилига 75 млн. тоннагача туз-чангли тупроқ-қумлар кучли шамол таъсирида кўчиб, учиши аниқланган.[8] Учаётган тузли тупроқ-қумлар асосан сульфат ва хлорид тузлари бўлиб, улар узоқ масофаларга тарқалиб, сувнинг ифлосланиши ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бу Оролбўйи минтақасида ҳамда унга қўшни Бухоро вилоятида жиддий экологик хавфни юзага келтирмоқда.

Бухоро ҳудудининг 70 фоизи Қизилқум саҳросига тўғри келиши сабабли Орол тубидан кўтарилаётган миллионлаб тонна чанг ва туз ҳеч қандай тўсиқсиз Бухоро ҳудудига келиб тушмоқда. Гидрометрология марказининг берган маълумотларига қараганда 2018-йил баҳор фаслида чанг тўзонлар таркибида қум-тузлар миқдори меъёр даражасидан 17 баровар, ёз ойларида 13-19 бараварга ошган. Баҳорда ёққан ёғинлар таркибида минерал тузларнинг миқдори меъёрдан 3-5 баравар юқори бўлиб, бундан Бухоро аҳолиси, шаҳар инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги катта зиён кўрмоқда. [9, Б.22]

Совет давлати халқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив усулидан фойдаланиш асносида атроф-муҳит бор кучи билан ишлаб чиқаришга хизмат қилди. Натижада Ўзбекистон, жумладан, Бухоро вилояти ҳам катта экологик хавф ёқасига келиб қолди. 1988-йилда Бухоро вилоятидаги 280 та саноат корхонаси 256 минг тоннадан зиёд турли заҳарли газларни ҳавога чиқарган. Мазкур корхоналарнинг 46 фоизида газ-чанг ушлагич мосламалари ўрнатилган, холос. [10,Б.3] Айнан шу даврлардашакллана бошлаган экологик муаммолар ҳалигача давом этмоқда.

XX асрнинг 80-йиллари 2-ярми даврий матбуотида ўша даврга қадар ҳукмрон бўлиб келган табиат масаласидаги "Биз табиатдан инъом кутиб туролмаймиз, ундан тортиб олишимиз керак" деган чақириқлар, "илм-фан инқилоби натижасида эришилган ютуқлар инсонни табиат қонунларидан устун қўйди" деган ёндашувлар хатолиги ва шу қарашлар туфайли жуда катта экологик хавф юзага келганлиги бот-бот тан олинган мақолалар пайдо бўла бошлади.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, СССР иқтисодиётида танглик кучайди. Натижада, давлат раҳбари М.С. Горбачёв 1985-йилнинг апрелида ўзининг жадаллаштириш ва қайта қуриши дастурини эълон қилди.

КПССнинг XXVII-съездида қабул қилинган СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1986-1990-йилларга, шунингдек, 2000-йилларга мўлжалланган, асосий йўналишларида камчиқимли ҳамда чиқиндисиз технологик жараёнларни кенг жорий этиш, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ёки кам даражада зарар етказадиган табиий ресурслар, хом-ашё материалларидан комплекс фойдаланиш асосида табиатни қўриқлашнинг самарали чоралари белгилаб олинган.

Юзага келган экологик хавф КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советини 1988-йил 7-январда "Мамлакатда табиатни қўриқлаш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисида"ги қарори қабул қилинишигава Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988-йил 5-апрелдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тузилишига олиб келди. Шундан сўнг, жойларда давлат комитетининг ячейкалари тузила бошланди.

1988-йил 23-ноябрда Бухоро вилоят халқ депутатлар Советининг 7-сессиясида Табиатни муҳофаза қилиш вилоят комитети тузилиб, комитетнинг йил якунларига қадар олиб борган текшируви натижасида, Бухоро вилоятида 20 мингдан ортиқ турли даражадаги атроф-муҳитни бузишга оид ҳолатлар аниқлаганлиги қайд

қилинган. Аммо ушбу ҳолатларни бартараф қилиш бўйича жиддий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Бу текширув пахта якка ҳукмронлиги мафқураси ҳукм сурган давр ва давлатда ҳамда ўша мафкура таъсирида шаклланган ходимлар томонидан ўтказилганлиги ҳисобга олсак, вилоят комитети Бухоронинг тўлиқ экологик муаммоларини қамраб олган деялаймиз. Сабаби, бизга маълумкиатроф-муҳитга энг катта хавф пахта етиштириш ва уни бирламчи қайта ишлаш ҳисобига тўғри келади. Шу мафкура хизматидаги комиссия хулосаси тор доирада бўлганлиги тушунарли. Аммо, шу текширув хулосасининг ўзи ҳам Бухоро экологик муаммолар ботқоғига ботиб қолган вилоятлардан бири бўлганлиги билиш учун етарли.

Марказ республика олдиғамунтазам равишда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш талабини қўйган. Бу талабларни бажаришдаги оғзаки кўрсатмада "қандай йўл билан бўлса ҳам оширилсин" жумласи мунтазам қўлланган. Натижада республиканинг атмосфераси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, суви ва тупроғи қаттиқ зарарланган ва экологик хавфга дучор бўлган.

1980-йилларнинг охирига келиб, атмосфера ҳавосини заҳарловчи асосий манбалар сифатида саноат корхоналари ва транспорт воситалари эътироф этилди. 1986-йилда Бухоро вилоятида 19 та автохўжаликдан фақат 9 тасида заҳарли газни аниқловчи ускуналар мавжуд бўлган, аммо уларда ҳам тутун ўлчагичлар бўлмаган. [11,Б.4] Автотранспорт воситаларининг ҳавони ифлослашини камайтириш мақсадида уларни суюлтирилган газга ўтказиш таклифи берилди, аммо, бу жараён сусткашлик билан амалга оширилган. Ўша вақтда, вилоятда бор-йўғи икки дона автомобилларга газ тўлдириш шаҳобчаси ва 550 га яқин суюлтирилган газ билан ҳаракатланадиган автотранспорт воситаси мавжуд эди. [12,Б.4]

1980-йиллар охирига келиб, Табиатни муҳофаза қилиш вилоят комитети Бухоро вилоятда атроф-муҳит ифлосланиши мувозанатини сақлаш учун ўзининг бир қатор таклифларини ишлаб чиққан. Бу таклифлар экологик зарарли корхоналарни шаҳар ташқарисига кўчириш, (масалан Бухоро, Когон, Пешку, Навоий ва бошқа шаҳарлардаги пахта тозалаш заводлари), магистраль автомобил йўлини шаҳар ташқарисидан айланиб ўтишини йўлга қўйиш, чиқиндиларни ёқиб юбормасликни таъминлаш кабиларни ташкил қилади. Бу таклифларнинг қўпчилиги ижрога қадар етиб бормаган.

#### 4. Хулосалар:

- Совет Иттифоқи таркибидаги республикамизда атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш ҳамда табиий-ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласига давлат даражасида эътибор қаратилмаганлиги сабабли бугунги кунда Бухоро вилоятида жуда кўп экологик муаммолар вужудга келган.

- СССРни иқтисодий қудратинисунъий кўтарадиган рақамлар ортидан қувиш сиёсати атроф-муҳитга жиддий зиён келтириш ва уни эксплуатация қилиш ҳисобига амалга оширилган.

- 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб экологик масалаларга бир лаҳза назар ташлаш сиёсатини амалга оширилиши негизида ҳам кўпроқ хўжакўрсин услуги етакчилик қилган.

- Чунки иқтисодий танглик ҳукм сурган ва кучайган шароитда экологик тадбирларни амалга оширишни устивор давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш хомхаёлдан бошқа нарса эмас эди.

- Атроф-муҳитни яхшилаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш,

экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ва дастурлар ҳам ҳақиқатда экологик аҳволни яхшилаш, атроф-муҳитни ифлосланишини олдини олиш учун эмас, балки СССРдаги, жумладан, Ўзбекистондаги оғир иқтисодий-ижтимоий аҳволни яшириш, шу соҳалардаги муаммоли масалалардан халқни чалғитиш вауларга ечим топиш мақсадида ишлаб чиқилган.

- Бухоро ҳудудидаги мавжуд экологик муаммолар бугунги кунда Бухоронинг бой маданий мероси ва тарихий инфратузилмасига, туристик салоҳиятига ҳамда энг аввало инсон саломатлигига катта хавф солмоқда.

- Бухоро вилоятидаги атмосфера ҳавосининг заҳарланиши, табиий сувнинг ифлосланиши, чучук сувнинг етишмаслиги, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг йўқолиб кетиши, тупроқ таркибининг бузилиши, тупроқ шўрланишининг ортиб бориши, маиший ва саноат чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши, ҳудуднинг трансчегаравий ифлосланиши, Орол денгизининг қуриб бориши каби экологик муаммолар советларнинг атроф-муҳит масаласига нотўғри ёндашуви туфайли юзага келган.

- Экология ва атроф-муҳит масалаларига бағишланган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий учрашувларда муаммоларни ҳал қилиш ва табиий мувозанат барқарорлигини сақлаш бўйича ечимлар, инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Фақат ҳукумат ва мутасадди ташкилотлар уларни амалиётга қўллашни самарали ташкил қилиши ва доимий назорат олиб бориши лозим.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Site of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on ecology and environmental protection.
2. United Nations Economic Commission for Europe (UNECE). Environmental Performance Review. Uzbekistan. Second comment. (Environmental Status, Series 29). - New York and Geneva, 2010. - 253 p
3. Abdukhalilov U. Assessment of the state of the environment in the Republic of Uzbekistan. World Environment Day Conference. Tashkent.
4. Yuldosheva B.M. Ecological problems of Bukhara region.
5. The National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume 12 -Т.: State scientific publication "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2005.
6. Murtazaeva R.H. History of Uzbekistan. Volume 2 Tashkent. 2015. - B. 458.
7. The National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume 12 -Т.: State scientific publication "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2005.
8. National Strategy Programme Malyx Grantov Tashkent, 2008. - S.14.
9. Pardaev SS, Toirov BB, Subkhonova G. Impact of global climate change on the Bukhara region ecosystem. // Factors for mitigating environmental problems in the region. Materials of Republican scientific-practical conference. Bukhara. 2019. - B.214.
10. The newspaper "The Flag of Friendship". March 15, 1990. Page 3
11. The newspaper "Truth of Bukhara" March 26, 1987. Page 4
12. The newspaper "Truth of Bukhara". March 26, 1987. Page 4

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000